

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЖОНИЕВ МУЗАФФАРХОН ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

**ЎРТА ОСИЁДА ҲАЖ САФАРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСРНИНГ
80-ЙИЛЛАРИ)**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата
доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on Historical Sciences**

Жониев Музаффархон Файзуллаевич

Ўрта Осиёда ҳаж сафарларини ташкил этишнинг ўзига хос
хусусиятлари (XIX аср охири – XX асрнинг 80-йиллари)..... 3

Joniev Muzaffarkhon Fayzullaevich

Features of the organization of Hajj in Central Asia
(Late 19th century – 80s of the 20th century)..... 25

Жониев Музаффархон Файзуллаевич

Особенности организации хаджа в Средней Азии
(конец XIX века – 80-е годы XX века)..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ 50

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЖОНИЕВ МУЗАФФАРХОН ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

ЎРТА ОСИЁДА ҲАЖ САФАРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСРНИНГ
80-ЙИЛЛАРИ)

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tar825 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.iiu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталининг www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шадманова Санавар Базарбаевна
тарих фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Баҳодиров Роиқ Мажидович.
фалсафа фанлари доктори, профессор

Кариев Адил Аҳмаджонович
тарих фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

**Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот
маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги онлайн/оффлайн мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (74 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Н.А.Мухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тарих фанлари доктори, доцент

З.М.Исломов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги мусулмон халқларнинг ўзаро илмий, маданий алоқалари тарихида ҳаж сафарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳаж зиёрати барча мусулмонлар учун умумий тартиб-қоидаларга эга бўлса-да, тарих давомида уни ташкил этишнинг минтақавий хусусиятлари мавжуд бўлиб келган. XIX аср охири – XX асрнинг бошлари ва совет ҳокимияти бошқаруви йилларида турли сиёсий ўзгаришлар таъсирига қарамай, Ўрта Осиёда ҳаж сафарларининг ташкил этилиши минтақа мусулмонларининг ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маданий ҳаётида ўзига хос роль ўйнаган. Ушбу жиҳатдан, ҳозирги кунда жаҳон халқларининг интеграциялашув жараёнлари жадал кечаётган бир даврда, ўтмишда кечган диний-ижтимоий ва сиёсий жараёнларни илмийлик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳоннинг бир қатор илмий марказлари ва университетларида мусулмон халқларининг ҳаж зиёрати, турли минтақаларда ҳаж сафарларининг ташкил этилиш тарихига доир ўзига хос тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Европада олиб борилаётган илмий изланишларда ҳаж сафарларининг ташкил этилиши билан боғлиқ сиёсий жараёнлар тарихини ўрганишга эътибор қаратилаётган бўлса, россиялик олимлар томонидан амалга оширилаётган тадқиқотларда XIX аср охири – XX бошларида Россия империясида ҳаж сафарларининг тартибга солиниши масаласини ўрганишга урғу берилмоқда. Бироқ, уларда XIX аср охири – XX аср бошларидаги Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж йўллари, мавжуд такялар (ҳаж йўлларида жойлашган, зиёратчилар учун меҳмонхона ва карвонсарой вазифасини бажарган вақф мулклари) фаолияти, совет ҳокимияти йилларида ҳаж сафарларининг ташкил этилиши билан боғлиқ сиёсий-ижтимоий жараёнларни етарлича ўрганилмаган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда тарихий жараёнларни холисона баҳолашга, жумладан, ислом дини ва унинг тарихини ўрганишга янада кенг имконият яратилди. Бунинг натижасида, тарихчи ва исломшунос олимлар томонидан Россия империяси ва совет даврида Ўрта Осиёда ислом динига муносабатнинг айрим масалалари тадқиқ этилди. Шу маънода, ислом тарихи ва Ўрта Осиё халқлари диний ҳаётида ўзига хос ўрин тутган ҳаж сафарларининг тарихи ва тадрижий ривожини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги 4 йил давомида Ўзбекистонда ҳаж ва умра зиёратчиларининг квотаси оширилди. «Ўтмиш йил ҳукм сурган коммунистик тузум даврида Ўзбекистондан бор-йўғи 130 киши ҳаж амалини бажарган бўлса, бугунги кунда ҳар йили ўзбекистонлик беш мингдан зиёд киши ўзининг эзгу орзуси ва мусулмонлик бурчини адо этмоқда»¹. Шу жиҳатдан, ушбу масаланинг тадқиқ қилиниши эришилган ютуқларн кўламини ҳаққоний англаш, унга холис баҳо бериш ва келгуси истиқболни белгилаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/34>

заруратининг мавжудлиги мавзунинг долзарблигини асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий қўлэмаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон «Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Танланган мавзуга оид адабиётларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: 1) XIX – XX аср бошларидаги тадқиқотлар; 2) совет даврида нашр этилган адабиётлар; 3) хорижий нашрлар; 4) мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳга мансуб адабиётларга Россия империяси даврида яратилган адабиётларни киритиш мумкин. Уларда Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари ва Туркистон-Ҳижоз² ҳаж йўлларининг худудий-статистик жиҳатдан таҳлиliga эътибор қаратилган³.

Иккинчи гуруҳ 1920-1980 йилларда, совет ҳокимияти даврида яратилган тадқиқотлардан иборат бўлиб, уларнинг аксар қисми атеистик характерга эга. Ушбу тадқиқотларда, асосан, Россия империяси ва совет ҳокимиятининг диний сиёсати, диний урф-одат ва анъаналар ҳамда, қисман, Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган⁴.

Учинчи гуруҳга кирувчи хорижий тадқиқотлар, жумладан, россиялик В.Литвинов, А.Сибгатуллина, Р.Силантьев, Л.Королева, А.Королев, В.Ахмадуллин, В.Якупов, С.Бороздин, М.Федоткиннинг илмий ишларида XIX аср охири ва XX асрларда Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ғарб тадқиқотчиларидан: Д.Бровер,

² Макка, Мадина ва Жидда шаҳарлари жойлашган худуд. Қаранг: Diyanet Vakfi İslam Ansiklopedisi. – Istanbul: Türkiye Diyanet Vakfi Yayınları, Cilt 17. 1998. – S. 437.

³ Никольский М.Э. Паломничество мусульман в Мекку // Исторический вестник. 1911. – Т.: 32, апрель, май., Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. Ташкент, 1913; Яровой-Раевский В.И. Паломничество (хадж) мусульман в Мекку и Медину // Сборник материалов по мусульманству. Ч. 1. – СПб., 1899. – С. 129-156.

⁴ Климович Л.И. Ислам в царской России. Очерки. – М.: ГАИЗ, 1936; Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Т.: Изд. Акад. наук Узб. ССР, 1960; Поляков С.П. Традиционализм в современном среднеазиатском обществе. – М.: Б.и., 1989.

Н.Греен, Э.Кане, Р.Мак Чесней каби олимлар эса ўрта осиелик мусулмонларнинг ҳаж йўлларига доир изланишлар олиб боришган. Франциялик олим Тиерри Зарконе ўрта осиелик сўфийлар ва уларнинг ҳаж сафарларига оид изланишларида муаммонинг тасаввуфий жиҳатларини ёритишга эътибор қаратган. Япон олимларидан Н.Нориҳиро тадқиқотларида эса, мустамлакачи давлатларнинг геосиёсати ва Осие мусулмонларининг ҳаж йўлларига доир ишлари бўйича қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Араб олимларидан Мажид бин Абдулазиз Туркий ўз тадқиқотида Россия ва Саудия Арабистони ҳукуматлари ўртасидаги сиёсий алоқалар тарихи ва жараёнларига тўхталиб ўтган. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимларидан қозғистонлик К.Исабай, А.Байжан, Н.Нуртазина, қирғизистонлик Е.Носова, У.Николаевич, тожикистонлик А.Назаров кабиларнинг тадқиқот ишларида Россия империяси ва Совет даврида Ўрта Осие мусулмонларининг ҳаж сафарлари қисман ўрганилган. Туркиялик олимлардан: М.Бекташоғлу, М.Жўшкун, Г.Сарийилдиз, М.Алканнинг мақолаларида мавзунинг Усманийлар Империясига боғлиқ жиҳатлари атрофлича ёритилган⁵.

⁵ Сибгатуллина А. Контакты тюрок-мусульман Российской и Османской империй на рубеже XIX-XX вв. – Москва: Исток, 2010; Силантьев Р.А. Мусульманская дипломатия в России: история и современность. – М.: ИПК МГЛУ «Рема», 2010; Королева Л.А., Королев А.А. Государство и ислам в СССР: из опыта взаимоотношений. URL: http://www.rusnauka.com/2_KAND_2009/Pravo/39669.doc.htm (дата обращения: 12.08.2013); Ахмадуллин В.А. Деятельность Советского государства и духовных управлений мусульман по организации паломничества (1944 – 1965 гг.). – М.: Исламская книга, 2016; Якупов В. Хаж ҳам гомрә. Мәккә-Мәдинә буенча юл күрсәткече. Хаж догалары. – Казан: Иман, 2010; Бороздин С.С. Политика российских властей в отношении мусульманского населения Туркестана и Бухары: 1867-1914: диссертация кандидата исторических наук: 07.00.02 / [Место защиты: Ур. федер. ун-т имени первого Президента России Б.Н.Ельцина]. – Екатеринбург: 2012; Федоткин М.Ю. Исламская пропаганда среди населения мусульманских регионов СССР, 1979-1991 гг.: Исторический анализ: диссертация кандидата исторических наук: 07.00.03. – М.: 2000; Литвинов В.П. Религиозное паломничество: региональный аспект (на примере Туркестана эпохи Средневековья и Нового времени): монография. – Елец: Елецкий государственный университет им. И.А.Бунина, 2006; Литвинов В. П. Власть и паломничество мусульман в Русском Туркестане // Власть. – № 6. – Москва, 2014.– С. 88-93; Литвинов В. П. Санитарно-эпидемиологические меры власти в системе паломничества мусульман Русского Туркестана (1865-1917 гг.) // Власть. №5. – Москва, 2017.– С. 210-216; Литвинов В.П. Хадж мусульман Туркестана в период устройства царской власти в регионе (1865-1870-е гг.) (по архивным и правовым материалам) // Вестник Кыргызско-Российского Славянского университета. – Т. 14. - №11. – Бишкек: КРСУ, 2014. – С. 58-63; Daniel Brower. Turkestan and the Fate of the Russian Empire. – New York: Routledge, 2010; Brower D. Russian Roads to Mecca: Religious Tolerance and Muslim Pilgrimage in the Russian Empire // Slavic Review. – Т. 55. № 3. – Champaign, 1996. – P. 567-584; Green N. The hajj as its own undoing: infrastructure and integration on the Muslim journey to Mecca // Past & Present. – №1. – Oxford, 2015. – P. 193-226; Green N., Porter V., Saif L. The rail hajjis: the Trans-Siberian Railway and the long way to Mecca // Hajj: Collected Essays. – London: British Museum Press, 2013. – P. 100-107; Kane E.M. Odessa as a Hajj Hub: 1880s to 1910s // National Council for Eurasian and East European Research. – Washington, 2011. – P. 107-125; R.D. McChesney. The Central Asian Hajj-Pilgrimage in the time of the Early Modern Empires/ Safavid Iran and Her Neighbors. Editor by Michel Mazzaoui. – Chicago: The University Of UTAH press, 2003. – P. 129-156; Thierry Zarcone. Sufi pilgrims from Central Asia and India in Jerusalem. – Kyoto. Kyoto University, 2009; Naganawa, Norihiro. The Hajj Making Geopolitics, Empire, and Local Politics: A View from the Volga-Ural Region at the Turn of the Nineteenth and Twentieth Centuries // Central Asian Pilgrims Hajj Routes and Pious Visits between Central Asia and the Hijazu. – Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 2012. – P. 168-198; Турки Маджид бен Абдель Азиз. Эволюция саудовско-советских и саудовско-российских отношений в контексте мировой политики (1926 - 2007 гг.): диссертация доктора политических наук: 23.00.04 / Ат-Турки Маджид Бен Абдель Азиз; [Место защиты: Институт стран Азии и Африки при Московском государственном университете]. – М.: 2007; Можид бин Абдулазиз Туркий. Ал-алакоту-с-Саудийя ар-Русийя фи зувъи-л-мутағаййирот ал-Иклимийя ва-д-дувалийя (1926-2004). – Байрут: (Нашриети кўрсатилмаган) 2005; Исабай К., Байжан А. Кажыга барган казактар. – Алматы: Ана тілі, 1996., Нуртазина Н.Д. Паломничество в священную Мекку в истории и современной жизни Казахстана // Collection of Research Papers; Носова Е.В. К вопросу о хадже советских мусульман // Вестник Кыргызско-Российского

Тўртинчи гуруҳ адабиётлари мустақиллик йилларида республикамиз тарихчи олимлари амалга оширган тадқиқотлардан иборат. Жумладан, С.Шадманова, Т.Шадманов ва Д.Алимованинг мақолаларида XIX аср охири – XX аср бошида Туркистон мусулмонларининг ҳаж сафарларининг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятига доир маълумотлар берилган. Б.Қосимов, Ш.Юсупов, Ҳ.Умуров, З.Юнусзода, Х.Джалилова, Ш.Зиёдов, Ш.Тошева каби олимларнинг илмий ишларида эса Ўрта Осиёда ёзилган ҳаж сафарномалари ҳақида қимматли маълумотлар тўпланган. Ш.Камолиддиновнинг мақолаларида ҳаж йўлларидаги хусусан, Туркия ва Фаластиндаги ўзбек такялари ва уларнинг фаолияти ўрганилган. А.Салмонов эса, 1917-1950 йилларда советларнинг Ўзбекистондаги диний сиёсати ва ҳаж сафарлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтган⁶.

XIX аср охири – XX асрнинг 80-йилларида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари, ҳаж йўлларидаги такялар фаолияти, Совет ҳукуматининг бошқаруви йилларида ҳаж сафарларининг ташкил этилиши билан боғлиқ масалалар комплекс равишда тадқиқ этилмаганини таъкидлаш жоиз.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган

славянского университета. – №7. – Бишкек, 2014. – С. 187-190; Ушаков В.Н. Политический ислам в Центральной Азии: основные факторы и перспективы: дис.кан. пол. наук: 23.00.04. – Бишкек: 2005; Назаров А.Х. История религиозной жизни мусульман Таджикистана в 1941–1991 гг.: автореф. дис. канд. ист. наук. – Душанбе. 2004. (www.dissercat.com); Mustafa Bektaşoğlu. Hac yolunda ziyaret yerleri. – Ankara: Reyhan Basım Yayın Tanıtım, 1992; Menderes Coşkun, Manzum ve Mensur Osmanlı Hac Seyahatnameleri ve Nâbî'nin Tuhfetü'l-Harameyn'i. – Ankara: Kültür Bakanlığı Yayınları, 2002; Gülden Sarıyıldız. Hicaz Karantina Teşkilatı (1865-1914). – Ankara: Türk Tarih Kurumu, 1996; Alkan Mustafa. Osmanlı Devleti'nde Özbek Tekkeleri // Yitik Hafızanın Peşinde Buhara Konuşmaları. – Ankara: Pruva, 2019. – S. 247-285.

⁶ Шадманова С., Шадманов Т. Из истории паломничества среднеазиатских мусульман (конец XIX – начало XX вв.) // Мир ислама. Материалы международной исламоведческой научной конференции. – М.: РГГУ, 2009. – С. 106-113.; Шадманова С. Ўрта Осиёда мусулмонларининг ҳаж зиёратлари тарихидан // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – №3. – Самарқанд, 2010. – Б. 225-227; Шадманова С., Алимова Д. Марказий Осиё мусулмонларининг Маккага ҳаж зиёрати тарихидан (XIX аср охири – XXI аср бошлари) // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2011. – №1. – Б. 49-61; Қосимов Б. Миллий уйғониш. Жасорат, маърифат, фидоийлик. – Т.: Маънавият, 2002., Қосимов Б. Жадидчилик // Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. Илмий мақолалар мажмуаси. – Т.: Маънавият, 1993; Юсупов Ш. Фуркат йўлларида // Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1984., Юсупов Ш. Тарих ва адаб бўстони. – Т.: Маънавият, 2003; Умуров Ҳ. Адабий тур ва жанрларнинг қонун-қоидалари. – Самарқанд: СамДУ, 2002; Жанри сафарнома дар адабиёти маорифпарвари тожик. Фил. фан. ном. ... дис. – Самарқанд: 2009; А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фонди. Шифр: Дис-329/2010; Джалилова Х. Саёхатнома жанрининг маънавий-маърифий хусусиятлари (XVIII аср Фарбий Европа маърифатчилик адабиёти ва миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти мисолида). Фил. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фонди. Дис-680/2008; Ziyodov SH. The Hajjnâmas of the Manuscript Collection of the Oriental Institute of Uzbekistan (mid-19th to early 20th centuries) // Central Asian Pilgrims: Hajj Routes and Pious visits between Central Asia and Hijaz. – Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 2012. – P. 223-233. Тошева Ш. Марказий Осиё хожилари: йўллар ва таассуротлар // Шарқшунослик. – Тошкент, 2009. № 19. – Б. 87-98; Камолиддинов Ш., Башир Баракат. Обитель узбекских суфиев в Иерусалиме // Марказий Осиё тарихи манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари. 5-илмий тўплам. – Т.: ТДШИ, 2013. – Б. 90-108; Камолиддинов Ш. Ал-Қуддусдаги ал-Ўзбекийя хонақоҳи // Moziydan sado. – Тошкент, 2013. № 4 (60). – Б. 29-34; Камолиддинов Ш.Истанбулдаги Ўзбек теккелари // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДШИ, 2017. – Б. 28-37; Салмонов А. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдирма ва тарих ҳақиқати. – Т.: Tafakkur, 2015.

A-1-051 – “Исломшунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш” мавзуидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўрта Осиёда ҳаж сафарларининг ташкил этилиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

XIX аср охири – XX асрнинг 80-йилларида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарларига оид манбаларни таҳлил қилиш ва ўрта осиелик маърифатпарварлар ва шоирлар томонидан ёзилган ҳажнома ҳамда ҳаж сафари эсдаликларини таснифлаш;

XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империясининг ҳаж зиёрати билан боғлиқ сиёсати ва ҳаж сафарларининг Ўрта Осиёдаги ижтимоий, сиёсий жараёнларга таъсирини очиб бериш;

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё-Ҳижоз ҳаж йўллари ва йўналишларининг ўзгариш босқичларини ҳамда сабабларини таҳлил қилиш;

XIX аср охири – XX аср бошларида ҳаж сафарларининг ташкил этилиши ва унинг иқтисодий жиҳатлари, тиббий-эпидемиологик чора-тадбирларга доир масалаларни очиб бериш;

XIX аср охири – XX аср бошларида ҳаж йўлларидаги ўрта осиелик ҳожилар учун вақф қилинган такялар фаолиятини алоҳида тадқиқ этиш;

Совет даврининг илк йилларида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари, ҳукумат томонидан ҳажнинг тақиқланиши билан боғлиқ сиёсий жараёнлар мазмунини очиб бериш;

XX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарларининг ташкил этилишидаги ўзгаришлар, шунингдек, Ўрта Осиё ва Қозоғистон Мусулмонлари диний бошқармасининг мусулмон олами билан алоқаларида сафарларнинг тутган ўрнини кўрсатиб, таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўрта Осиёда ҳаж сафарларининг ташкил этилиши белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети Тадқиқотнинг предмети Россия империяси ва совет ҳокимияти йилларида ҳаж сафарларини ташкил этишдаги ўзгаришлар ва ўзига хос хусусиятлар, ҳаж йўллари ва ҳожиларга хизмат кўрсатишга оид масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик тамойиллари асосида комплекс, фанлараро ва гендер ёндашувлари, интервью, синергетик, қиёсий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўрта Осиёдан Макка ва Мадина шаҳарларига олиб борувчи ҳаж йўлларининг зиёрат воситаси бўлиши билан бир қаторда, сафарлар давомида ҳожилар томонидан маҳаллий ипак маҳсулотлари савдосининг йўлга қўйилгани ва олимлар ўртасида ўзаро илмий мулоқотларнинг ташкил

қилингани мусулмон халқлари ўртасида тижорий, маданий-маърифий алоқаларнинг мустаҳкамланишига бевосита таъсир қилгани аниқланган;

ўрта осиелик зиёратчиларнинг ҳаж сафарлари давомида йўл, озиқ-овқат ва тиббий-санитария хизматларига доир муаммоларини бартараф этиш мақсадида тошкентлик ишбилармон Саидғани Саидазимбоев томонидан 1908-1909 йилларда илк бор қулай шарт-шароитларга эга, хавфсиз сафарлар ташкил этиш бўйича янгича зиёрат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилгани аниқланган;

Истанбул, Бурса, Адана, Антакия, Ҳалаб, Бағдод, Қуддус, Қоҳира, Жидда, Макка ва Мадина шаҳарларида ўрта осиеликларнинг вақф маблағлари ҳисобидан ватандош ҳожилар учун таъсис этилган 43 та такя аниқланиб, уларнинг нафақат ўзига хос мусофирхона, балки Туркистондан борган зиёратчиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатувчи маскан вазифасини ҳам бажаргани исботланган;

Ўрта Осие ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (اورتا آسیا و قازاغستان مسلمانلری دینی باشقارمه سی) раҳбарияти совет иттифоқининг Саудия Арабистони ва халқаро мусулмон ташкилотлари билан расмий алоқалари йўқлиги сабабли фаол дипломатик ташаббускорлик кўрсатиб, Саудия Арабистони, Ислом олами уюшмаси, Ислом конференцияси ташкилоти билан келишган ҳолда совет мусулмонларининг ҳаж сафарлари давомида дуч келаётган виза, божхона ва меҳмонхона масалаларига доир муаммоларини муваффақиятли ҳал этгани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистондаги маърифатпарварлик ҳаракатлари ва янгилашниш жараёнларида ҳаж сафарларининг таъсири ва аҳамияти ёритилган;

XIX аср охири – XX аср бошларидаги Ўрта Осие мусулмонлари томонидан фойдаланилган ҳаж йўллари, янги йўлларнинг шаклланиши, ривожланиши, ислоҳотлар жараёни тарихий аспектда кўриб чиқилган;

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистондан борган зиёратчилар учун ҳаж йўлларида ташкил этилган такялар аниқланган ҳамда ушбу такяларнинг хориждаги Ўзбекистонга оид мерослар сифатида бугунги кундаги аҳамияти кўрсатиб берилган;

Ўрта Осие ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг мусулмон олами билан фан, таълим ва маданий соҳалардаги алоқаларида ҳаж сафарларининг ўрни ва аҳамияти аниқ фактлар асосида ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация натижаларининг ишончлилиги XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осие мусулмонларининг ҳаж сафарларига доир ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзма ва тошбосма асарлари, Ўзбекистон Миллий архиви ва Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Усманийлар давлат архиви ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари⁷ каби

⁷«Туркестанские ведомости», «Туркистон вилоятининг газети», «Окраина», «Таржимон», «Қизил Ўзбекистон», «Иштирокиюн», «Туркистон», «Правда Востока» «Совет шарки мусулмонлари» ва бошқа

бирламчи манбаларга таянилганлиги, далиллар воситасида асосланганлиги, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти маданий мерос, ўзбек халқи, давлатчилик тарихи, ислом тарихи ва манбашунослиги масалаларига бағишланган истиқболли илмий тадқиқотларга манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Ислом тарихи ва манбашунослиги», «Ўзбекистон тарихи», «Исломшунослик» бўйича олиб борилаётган изланишларда, илмий-оммабоп рисоалар ва олий ўқув юртлари учун махсус курслар бўйича ўқиладиган маърузаларда, ўқув-услубий дастурлар тайёрлашда ҳамда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларнинг библиографик тўпламлари, каталоглари, китоб-альбомларини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX аср охири – XX асрнинг 80-йилларида Ўрта Осиёда ҳаж сафарларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

Ўрта Осиёдан Макка ва Мадина шаҳарларига олиб боровчи ҳаж йўлларининг зиёрат воситаси бўлиши билан бир қаторда, сафарлар давомида ҳожилар томонидан маҳаллий ипак маҳсулотлари савдосининг йўлга қўйилгани ва олимлар ўртасида ўзаро илмий мулоқотларнинг ташкил қилингани мусулмон халқлари ўртасида тижорий, маданий-маърифий алоқаларнинг мустаҳкамлаганлига бевосита таъсир қилгани тўғрисидаги илмий хулосалар 2019-2020 ўқув йили давомида Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ўқитилган «Ўрта Осиё халқлари маданияти диний анъана ва урф-одатлар» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 10 декабрдаги 6249-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу илмий хулосаларнинг қўлланиши кенг жамоатчилик, хусусан, ёшларда Совет ҳокимияти бошқаруви даврида диний урф-одатларнинг чекланишига доир тасаввурни шакллантиришга хизмат қилган;

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (اورتا آسیا و قازاغستان مسلمانلری دینی باشقارمه سی) раҳбарияти совет иттифоқининг Саудия Арабистони ва халқаро мусулмон ташкилотлари билан расмий алоқалари йўқлиги сабабли фаол дипломатик ташаббускорлик кўрсатиб, Саудия Арабистони, Ислом олами уюшмаси, Ислом конференцияси ташкилоти билан келишган ҳолда совет мусулмонларининг ҳаж сафарлари давомида дуч келаётган виза, божхона ва меҳмонхона масалаларига доир муаммоларини муваффақиятли ҳал этганига доир илмий-назарий хулосалар Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан тайёрланган Мабрур ҳажнинг мукофоти жаннатдир” ва буюртма асосида тайёрланган «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» китоб-альбомининг мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 4 декабрдаги 02/353-сонли далолатномаси). Натижада,

ҳаж сафарларининг яқин тарихимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка танитиш имконияти яратилган;

Макка ва Мадина шаҳарларидаги ўрта осиеликлар томонидан ватандош ҳожилар учун таъсис этилган вақф мулкларига доир маълумотлар ва илмий хулосалардан «Вақф ҳужжатлари коллекцияси» деб номланган И-323-фонд таркибидаги ҳужжатларнинг аннотацияланган каталогини тайёрлашда фойдаланилган. Шунингдек, ўрта осиелик зиёратчиларнинг ҳаж сафарлари давомида йўл, озиқ-овқат ва тиббий-санитария хизматларига доир муаммоларини бартараф этиш мақсадида тошкентлик ишбилармон Саидгани Саидазимбоев томонидан 1908-1909 йилларда илк бор қулай шарт-шароитларга эга, хавфсиз сафарлар ташкил этиш бўйича янгича зиёрат лойиҳаси ишлаб чиқилганига ҳужжатлар, маълумотлар ва илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий архиви музейи экспозицияларини тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон миллий архивининг 2020 йил 4 декабрдаги 01-26/489-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур каталог Миллий архив фондида сақланаётган Марказий Осие тарихига доир ноёб архив ҳужжатлари ҳисобини юритиш ва фойдаланувчиларга тақдим этишда муҳим амалий аҳамият касб этади. Келгусида ушбу каталогнинг электрон шаклини архив сайтига жойлаштириш режалаштирилган;

Истанбул, Бурса, Адана, Антакия, Ҳалаб, Бағдод, Қуддус, Қоҳира, Жидда, Макка ва Мадина шаҳарларида ўрта осиеликларнинг вақф маблағлари ҳисобидан ватандош ҳожилар учун таъсис этилган 43 та така аниқлангани ва уларнинг нафақат ўзига хос мусофирхона, балки Туркистондан борган зиёратчиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатувчи маскан вазифасини ҳам бажарганига доир илмий-назарий хулосалардан «O'zbekiston tarixi» телеканалининг «Тақдимот» кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 7 декабрдаги 02-40-1264-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларда аждодлар моддий-маънавий меросини ўрганиш, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 9 та мақола, шундан, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган ҳамда муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари билан мослиги ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги маълум қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг амалий натижалари, амалда жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**XIX аср охири – XX асрнинг 80-йилларида Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарлари тарихини ўрганишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида ҳаж сафарларига оид манбалар, Россия империясининг Туркистондаги ҳаж сиёсатига доир масалалар таҳлил қилинган ҳамда XIX аср охири – XX бошларида Ўрта Осиё-Ҳижоз ҳаж йўллари ва йўналишларининг ўзгариши сабаблари тадқиқ этилган.

Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари муаммоси, сиёсий, ижтимоий, маданий ва диний муносабатлар турли манбаларда ўз аксини топган. Тадқиқот манбаларини тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳга ишнинг асосий манбалари сифатида мавзуга доир архив ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Миллий Архивидаги ҳаж сафарлари билан боғлиқ материаллар, хусусан «Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси» (И.1-фонд), «Сирдарё вилояти бошқармаси» (И.17-фонд), «Самарқанд вилояти Самарқанд уезди бошқармаси» (И.20-фонд), «Вақф ҳужжатлари коллекцияси» (И.323-фонд), СССР «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кенгаш» (Р.2654-фонд) жамғармаларида сақланаётган ҳукумат буйруқлари, фармойишларини киритиш мумкин. Шунингдек, Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Усманийлар давлат архивининг «Усманийлар давлати Ички ишлар вазирлиги» («Dahiliye Nezâreti Belgeleri»), «Боби олий хатлар бўлими муҳим мактублар девонхонаси» («Babı ali Evrak Odası Sadâret Evrakı Mektubî Mühimme Kalemi fonu») ва бошқа фонд ҳужжатларидан фойдаланилган.

Иккинчи гуруҳ манбаларини XIX аср охири – XX аср бошларида туркистонлик олимлар ва шоирлар томонидан ёзилган ҳажнома ва ҳаж сафари эсдаликлари ташкил этади. Тадқиқот давомида, XIX аср охири – XX аср бошларида туркистонлик олимлар ва шоирлар томонидан ёзилган, жумладан, Мирза Олим Махдум Ҳожи Тошкандийнинг «Дар баёни роҳи ҳаж», Раҳматуллоҳ Қори Возеҳнинг «Ғароиб ул-хабар фий ажоиб ус-сафар», Фурқатнинг «Ҳаж сафари хотиралари» ва Маҳмудхўжа Бехбудийнинг

«Саёҳат хотиралари»⁸ каби 10 га яқин ҳажнома ва ҳаж сафари эсдаликларига муурожаат қилинган.

Учинчи гуруҳга ишнинг асосий манбалари сифатида А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг «Нодир китоблар ва нашрлар» фондида сақланувчи матбуот материалларидан фойдаланилди. Жумладан, Туркистонда нашр этилган: «Туркестанские ведомости», «Туркистон вилоятининг газети» каби расмий газеталар, «Окраина», «Туркестанский курьер», «Закаспийское обозрение», «Голос правды», «Садои Фарғона», «Иштирокиюн», «Таржимон», «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон» каби газеталарда чоп этилган мақола, хабар, эълонлар таҳлил этилиб, Россия империяси ва Совет Иттифоқи даврида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарларига оид масалалар ёритилиши кўрсатиб берилди.

Манбаларнинг тўртинчи гуруҳини XIX аср охири – XX аср бошларида чоп этилган Россия империяси бошаруви даврида Туркистон мусулмонларининг ҳаж сафарлари, ҳаж йўллари ва тиббий-эпидемиологик чора-тадбирлар бўйича маълумотлар⁹, Совет Иттифоқи даврида Ўзбекистон мусулмонларининг ҳаж сафарларига доир ҳисоботлари¹⁰ архив ҳужжатлари ва газеталарда чоп этилган мақола ва хабарлар билан қиёсий ўрганилган.

XIX аср охири – XX асрнинг 80-йилларида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарларини ўрганишда масалага ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий аҳамиятини баҳолашда тарихийлик тамойилига алоҳида эътибор қаратилган. Диссертациянинг услубий асосларини белгилашда таниқли манбашунос олимлар, хусусан, француз олими М.Блок, инглиз олими А.Тойнби, россиялик олимлар: И.Ковальченко, Е.Сенявская М.Черноморский, Л.Мазур, А.Лубский, республикамиз олимларидан С.Шадманова, Г.Жалаловаларнинг тадқиқотларида келтирилган назарий хулосалардан унумли фойдаланилган¹¹.

Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилган илк ўн йиллигида қабул қилинган қонун ва низомларда ўлка мусулмонларининг ҳаж сафарларига доир ҳеч қандай тартиб-қоида ўрин олмаган. Чунки XIX асрнинг

⁸ Махмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 54-145.

⁹ Яровой-Раевский В.И. Паломничество (хадж) мусульман в Мекку и Медину. Сборник материалов по мусульманству. Ч. 1. СПб., 1899. – 162 с.; Алексеев И.Л., Остроумов Н.П. О проблемах управления мусульманским населением Туркестанского края // Сборник русского исторического общества. № 5. – М: 2002. – С. 89-95.

¹⁰ Арапов Д.Ю. Ислам и советское государство (1944–1990). Сборник документов. Выпуск 3. Издательский дом Марджани, – М.: 2011. – 528 с.

¹¹ Блок М. Апология истории или ремесло историка. – М.: Наука. – 1986. – 254 с.; Тойнби А. Постигание истории. – М.: Наука, 1991. – 435 с.; Мазур Л.Н. Методы исторического исследования. – Екатеринбург: Уральский ун-т, 2010. – 608 с.; Сенявская Е. С. Психология войны в XX веке: исторический опыт России. – М.: РОССПЭН. 1999. – 383 с.; Черноморский М.Н. Источниковедение истории СССР: советский период. – М.: Высшая школа, – 1976. – 296 с.; Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования. – М.: Наука, 1987. – 438 с.; Теория и методология исторической науки. Терминологический словарь. Отв. Ред. А.О. Чубарьян. – М.: 2014. – 580 с.; Шадманова С. Тарихий тадқиқотларнинг методологияси ва замонавий усуллари. – Т.: Varkamol fauz media, 2018. – 216 б.; Жалалова Г. Фандаги трансформация жараёнларини ўрганишда сенергетика методологиясининг имкониятлари // ЎзМУ Хабарлари. – Тошкент, 2014. №1.2. – Б. 152-155.

охирги чорагида бутун дунё, айниқса, Яқин Шарқ минтақаси вабо билан курашаётган давр эди. Империя ҳукуматининг баъзи доираларида ҳажни бутунлай тақиқлаш чора-тадбирлари кўрилган. 1876 йилнинг 12 октябридан 1878 йилнинг 20 мартига қадар Туркистон мусулмонларининг Макка зиёратлари вақтинчалик тўхтатиб турилган¹². Бунга сабаб қилиб, 1877-1878 йилларда Россия империяси ва Усманийлар ўртасида бўлиб ўтган уруш сабаб қилиб келтирилган. Шунингдек, Россия империяси ҳукумати 1898 йилдаги Дукчи Эшон кўзғолонидан кейин гўё жазо сифатида Маккага боришни тақиқлаб қўйган. 1900 йилда бу тақиқ бекор қилинган¹³.

Россия империяси маъмурияти ҳажни Туркистон мусулмонлари онгида XIX аср охири ва XX аср бошларида ислом оламида кенг ёйилган туркчилик ва янги исломчилик ғояларининг ривожланишида асосий восита сифатида қараб, имкон қадар ҳажни давлат назоратига олишга ҳаракат қилган. Бу борада, Туркистон мусулмонларининг ҳаж сафарларини тартибга солиш, ҳамда назорат қилиш учун Россия империяси томонидан илк бор хорижга чиқиш паспортларини бериш тажрибаси қўлланилган. Хусусан, Туркистон генерал-губернаторлигида аҳолига «А», «Б» ва «В»дан иборат уч хил тоифада хорижга чиқиш паспортларини бериш кўзда тутилган. «Б» тоифадаги паспортлар туркистонлик маҳаллий аҳолига 3 йилгача бўлган муддатга хорижга чиқиш, яъни айнан хориждаги муқаддас жойларни зиёрат қилишлари учун берилган.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг Усманийлар давлати билан сиёсий ва маданий алоқаларида ҳаж сафарлари алоҳида аҳамият касб этиб келган. Хусусан, 1887 йилда Хива хонининг амакиваччаси Исҳоқхон Тўра, ҳаж сафари асносида Истанбулда бир неча кун тунаб, Усманийлар ҳукумати томонидан расмий кутиб олинган¹⁴. XIX аср охири XX аср бошларида Ўрта Осиё аҳолисининг ташқи савдо алоқаларида ҳам ҳаж сафарлари муҳим рол ўйнаган. XX аср бошларига қадар туркистонлик ҳожилар томонидан сотиш учун келтирилган ипак ва ипак маҳсулотлари Усманийлар ҳукумати томонидан божхона тўловларидан озод қилинган¹⁵.

XIX аср охири – XX аср бошларига қадар Ўрта Осиё мусулмонлари, асосан, қуйидаги уч йўлдан фойдаланганлар:

а) *Эрон гузаргоҳлари*. XIX аср охирига келиб, куруклик йўлидан Ўрта Осиё ҳаж қарвонлари камдан-кам ҳолларда фойдаланган. Эрон ва Бағдод орқали ўтувчи йўлдан, асосан, ўрта осиелик шиалар истеъфода этганларини мазкур даврга оид манбалардан билиб олиш мумкин. Бухоро, Чоржўй, Марв, Сарахс, Машҳад, Техрон, Қум, Кирмоншоҳ, Бағдод, Казимайн, Куфа, Шом орқали Макка ва Мадинага боришган;

б) *Туркистондан Афғонистон, Ҳиндистон ва Ҳинд океани орқали ўтувчи*

¹² ЎзМА. 20-фонд, 1-рўйхат, 8933-йиғмажилд, 11-варақ.

¹³ Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент: (Нашриёти кўрсатилмаган), 1913. – С.139.

¹⁴ БОА. Yıldız Tasnifi Perakende Evrakı Mabeyn Başkitabeti (Y. PRK. BŞK.), 11/ 74, 1887 йил 7 июль. (15 Şevval 1304).

¹⁵ БОА. Mühimme Defteri, 24/421, 465, 598.

денгиз йўли. Бухоро ёки Самарқанддан Чоржўй орқали Мозори Шариф, Тошқўрғон, Чорикор, Кобул, Ғазна, Қандаҳор ва Қветту шахрига қадар отуловлари билан борган зиёратчилар Қветтудан йўловчи поездига ўтириб, Карачи портига боришган. Карачидан пароходда Бомбейга Ҳинд океани, Қизил денгизи орқали Жидда ва у ердан Маккага келишган. Афғонистон орқали ўтувчи ушбу жанубий йўл бошқа йўлларга қараганда нисбатан арзон, йўл бўйида катта шаҳарлар нисбатан камчиликни ташкил этганлиги боис қулай бўлган;

в) *Туркистон-Истанбул-Ҳижоз гузаргоҳи*. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистондан ҳаж сафарига отланган зиёратчилар, дастлаб, темир йўл орқали Красноводскка, яъни Каспий денгизи соҳилларига келиб, денгиздан пароходда, у ердан поездда Ростов¹⁶ ва Одессага ёки Тошкентдан бошланадиган янги Туркистон темир йўлининг қурилиши натижасида Тошкентдан Тулага ва у ердан Одессага келиш имконияти ҳам пайдо бўлган. Одессадан Истанбулга боргач, ўрта осиеликлар Маккага қадар учта йўналишдан фойдаланган: биринчиси: Истанбул, Бурса, Измир, Ўрта Ер денгизи ороллари (Родос ва Кипр), Байрут, Шом, Байрут, Яффа, Қуддус, Искандария, Қоҳира, Қизил денгиз, Жидда, Макка ва Мадина. Баъзи зиёратчилар Ҳижозга боришдан аввал Қуддусни ҳам зиёрат қилиб ўтган; иккинчиси: Истанбул, Эгей денгизи, Ўрта Ер денгизи, Искандария, Қоҳира, Қизил денгиз, Янбу, Жидда, Маккага борган; учинчиси: Истанбул, Измир, Ўрта Ер денгизи ороллари (Родос ва Кипр), Байрут, Яффа ва Дамашқдан бошланиб, Амман, Маъан, Табук, Мадоин шаҳарларидан ўтувчи Ҳижоз темир йўли орқали Мадина шахрига етиб борган.

Ўрта Осиеъни Ҳижозга боғловчи жанубий, шимолий ва қуруқлик ҳаж йўллари ўлка аҳолисининг Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Усманийлар султонлиги билан алоқаларида муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

Диссертациянинг «**XIX аср охири – XX аср бошларида ҳаж сафарларининг ташкилий масалалари ва бу жараёнда такялар фаолияти**» деб номланган иккинчи бобидан, Ўрта Осиеъ мусулмонлари ҳаж сафарининг ташкилий этилиши ва тиббий-эпидемиологик чора-тадбирлар ҳамда ҳаж йўлларидаги туркистонликларга оид такялар ва вақфлар фаолияти каби масалалар ёритилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Туркистон генерал-губернаторлигида хорижга чиқиш паспортларини бериш амалиёти йўлга қўйилган бўлса-да, кўпчилик зиёратчилар бирор ҳужжатсиз, назоратга олинмаган Афғонистон ва Ҳиндистон орқали ўтувчи йўлдан фойдаланиб келишган. Ушбу ҳолат Россия империяси томонидан назоратга олинган Қора денгиз йўлларида ҳам учраб турган. Натижада, тегишли ҳужжатлари бўлмаган ҳожиларнинг турли қийинчиликларга дуч келишига сабаб бўлган. Хусусан, 1895 йилда Туркистон матбуотида Андижон, Марғилон ва Қўқон шаҳарларидан ҳажга борган бир гуруҳ ҳожилар номидан хабар эълон қилинган бўлиб, унга кўра, Афғонистон ва Ҳиндистон орқали ўтувчи йўлдан

¹⁶ Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар, Саёҳат хотиралари. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 67.

фойдаланган мазкур зиёратчилар хорижга чиқиш паспортлари бўлмаганлиги сабабли Жиддага турли машаққатлар билан, беш ойда етиб боришган. Қайтишда эса, Истанбул орқали кетиш учун Россия империясининг Жиддадаги консуллигидан паспорт сўрашган, ammo бу ерда ҳам ижобий натижа бўлмаган¹⁷. Бу каби ҳолатлар Бухоро ва Хива хонлигига қараганда, Туркистон генерал-губернаторлигидаги зиёратчиларда кўп кузатилган. Тошкент-Самара темир йўли қурилганидан сўнг кўпчилик ҳожилар учун зиёратга бориш ҳар томонлама қулайлашган. Тошкентдан Одессагача зиёратчилар алоҳида вагонларда олиб борилган. Тошкентдан ҳафтасига уч маротаба, учинчи классли вагонларда мингга яқин мусулмонлар Одессага олиб борилган. Улардан 60 фоизи Тошкентдан, 20 фоизи Самарадан, қолганлари эса, Қабулсой, Туркистон, Оренбург ва Пензадан жўнаган¹⁸. Пochта поездининг 1, 2, 3-даражали вагонларида Одессага 8,5 суткада, товар поездининг 4-классли вағонида 12 суткада етиб борилган¹⁹. Тошкентдан Истанбулга қадар ҳожилар йўл ва бошпана қийинчиликларидан ташқари, озик-овқат масаласида ҳам муаммоларга дуч келишган. Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида, XX аср бошларида туркистонлик мусулмонларнинг ҳаж сафарларини ташкил этишда маҳаллий тадбиркорлардан Саидғани Саидазимбоев ислом динининг тартиб-қоидаларига уйғун равишда ишлаб чиқилган ҳаж сафарларини йўлга қўйган. С.Саидазимбоев раҳбарлигидаги агентлик томонидан Тошкент станциясида мусулмонлар учун кичик бир вокзал ҳам очилган²⁰. Тошкент вокзалида чойхона, тиббий текширув бўлими, Одессада эса дорихона, дўконлар, овқатланиш жойларини ўзида жамлаган барча шароитларга эга «Карвонсарой» деб номланувчи, қиймати 75861 рубллик ҳожихона (меҳмонхона) ташкил этилган²¹.

XIX асрнинг иккинчи чорағида ҳаж мавсумида янги муаммолар юзага кела бошлаган. Ушбу муаммолар орасида энг хавфлиси вабо касаллиги бўлган. Россия империясининг расмий манбаларига кўра, Ҳижозда 1893 йилнинг 24 майидан 8 июлига қадар давом этган вабо натижасида 50 мингга яқин зиёратчи касалликка чалинган. Улардан 700 нафарга яқинини Россия империяси ва Бухоро амирлигидан борган зиёратчилар ташкил қилган²².

Ҳожилар оқимининг кескин ортиши натижасида ҳаж йўлларидаги шаҳарларда зиёратчилар ва Усмонийлар султонлиги маблағлари ҳисобидан ўзига хос мусофирхона ёки ҳожихона вазифасини бажарган такялар иншо этилган. Такяларда йўловчилар учун ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан хордиқ чиқариш учун имкониятлар яратилган. Такялар, асосан, Кичик Осиёнинг Истанбул, Адана, Антакия, Бурса, Яқин Шарқнинг Қуддус, Бағдод,

¹⁷ Украина. Бизим ҳол ва маишат // Таржимон. 1895 й. №23.

¹⁸ Туркестанские ведомости. 1908. №130.

¹⁹ Туркестанские ведомости. 1910. №41.

²⁰ Организация паломнического движения и грядущая опасность // Туркестанские ведомости. 1910. №215.

²¹ Отчет Саид-Гани Саидазимбаева о движении мусульманских паломников в Мекку в 1908 году. - Санкт-Петербург: тип. "Экспресс" В.С. Борозина, 1909. - С. 16-17.

²² Яровой-Равский В.И. Паломничество (хадж) в Мекку и Медину // Сб. материалов по мусульманству. - 1899. - Т. 1. - С. 138.

Халаб, Қоҳира, Жидда, Макка ва Мадина шаҳарларида жойлашган. Мазкур такялар нафақат диний, балки ижтимоий, сиёсий жиҳатдан тарихда муҳим роль ўйнаб келган. Истанбул шаҳрида жойлашган Бухоро такяси ва Ускудар ўзбеклар такяси сиёсий-дипломатик жиҳатдан фаол ўзига хос консулхона вазифасини бажарган.

Маккада турли ҳомийлар, ҳукмдорлар томонидан ташкил этилган Туркистондан борган зиёратчиларнинг ҳаж ибодатини адо қилиш давомида қолишларига мўлжалланган 27 та вақф қилинган такялар аниқланган. Туркистонликлар томонидан вақф қилинган такяларнинг аксар қисми Макка шаҳрининг Ажёд, Мисфала маҳаллаларида жойлашган. Хусусан, Масжид ул-ҳарамга яқин Ажёд маҳалласида Ниёз Муҳаммад Самарқандий, Муҳаммад Зокир Бухорий, Акбархўжа Тошкандий, Мулло Мирҳодий Бухорий, Парвиз Намангоний, Абдулазимхўжа Андижоний, Бурҳониддин Бухорий²³, Кўса, Мақсуд Марғиноний, Мусо Марғиноний, Мулло Соҳиббой Намангоний²⁴ номлари билан машҳур бўлган такялар фаолият юритган. Ажёд маҳалласига қараганда, Масжид ул-Ҳарамдан бироз узоқроқда жойлашган Мисфала маҳалласида «Бўстан ул-Бухорийя» («Бухоро бўстони»), Азимхўжа Бухорий, Кўса Иброҳим Андижоний, Арслон Кўқоний такяси, Соҳибназар Намангоний, Мирзо Раҳим Андижоний²⁵, Муҳаммад Марғилоний, Мулло Жўрабек такяси, Чуст такяси, Марғилон ва Кўқон такяси ҳамда Турғун ибн Амин Туркистоний каби туркистонликларга оид такялар жойлашган. Шунингдек, Бухоро амири 1901 йилда Саййид Абдулаҳадхон томонидан Бухоро амирлигидан ҳажга келган аёллар ва эркаклар учун вақф қилинган такя ҳам Макка шаҳрининг Шомия мавзесидаги Барҳату Араб деган жойда жойлашган бўлиб, «Рибату амир ул-Бухоро» («Бухоро амири работи») номи билан машҳур бўлган²⁶. Мазкур вақфлар билан бир қаторда, Туркистон шаҳарларидаги баъзи ер-мулкларининг Макка ва Мадинадаги зиёратгоҳлар ва эҳтиёжманд ҳожилар учун вақф қилингани аниқланди. Пулга қийналган ҳожилар ҳамда талабалар учун Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги ерлар, саройлар ҳамда дўконлар вақф қилинган²⁷.

Диссертациянинг «Совет даврида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари» деб номланган учинчи бобида 1917-1930 йилларда ҳаж сафарларининг тақиқланиши ва сабаблари, Совет ҳокимиятининг диний сиёсатидаги ўзгаришлар ва ҳаж сафарларининг ташкил этилиш жараёнлари ҳамда Ўрта Осиё мусулмонларининг ислом олами билан алоқаларида ҳаж сафарларининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган.

²³ Хусайн Абдулазиз Шофеев. Арбитату би Маккати-л-Мукаррама фи-л-аҳди-л-Усманий (1517-1915). – Макка: (Нашриёти кўрсатилмаган), 2005. – Б. 90, 92-93, 105, 139, 147-148, 153-156.

²⁴ Мурод ибн Иброҳим Андижоний. Дирасат таҳлили ли назорати авқофи билади Мовароуннаҳр фий Маккати-л-мукаррома ва ал-Мадина ал-мунаввара. – Жидда: Марказ ун-нашр ул-илмий, 2009. – Б. 58, 60, 61.

²⁵ Хусайн Абдулазиз Шофеев. Арбитату би Маккати-л-Мукаррама фи-л-аҳди-л-Усманий (1517-1915). – Макка: (Нашриёти кўрсатилмаган), 2005. – Б. 126-127, 135, 140, 142-144.

²⁶ Хусайн Абдулазиз Шофеев. Арбитату би Маккати-л-Мукаррама фи-л-аҳди-л-Усманий (1517-1915). – Макка: (Нашриёти кўрсатилмаган), 2005. – Б. 118-121.

²⁷ ЎзМА. И-323-фонд, 1-руйхат, 761, 825, 827, 891, 894, 895, 896, 897, 898, 899, 900, 1025, 1026, 1029, 1034, 1043, 1044, 1045-ийғмажилдлар.

Совет ҳукумати XX асрнинг 20-йилларида ҳаж сафарларига қарши муносабатини очик намоён қилмаган бўлса-да, матбуот орқали маҳаллий аҳолини ҳаж сафарларидан совитиш, қайтаришга доир турли мақолалар эълон қилиб борган ҳамда бу борада, маҳаллий ва хорижий диндорлардан ҳам фойдаланган. Жумладан, XX асрнинг биринчи чорагида Хижоз минтақасидаги диний-сиёсий беқарорлик бўрттирилиб, Туркистон аҳолисини ҳаж зиёратидан тўсишга уринишлар бўлганини кузатиш мумкин. Хусусан, «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йилдаги сониди Муҳаммад Баракатуллоҳ Бҳавфолий Ҳиндий, Қози Абдурашид Иброҳим, Шайх Саъид ал-Аслий аш-Шомий ва Мулла Муҳаммад Султон Хўжандийнинг имзоси билан Макка ва Мадина шаҳарлари инглиз, француз, итальян ва баъзи арабларнинг иттифоқи қўлига ўтгани муносабати билан ислом фарзларидан бири – ҳажнинг мусулмонлардан вақтинчалик соқит бўлиши ҳақидаги фатво араб ва ўзбек тилларида эълон қилинган²⁸.

XX асрнинг 20-йилларида Совет ҳукумати ҳаж сафарларини давлат назоратига олишга ҳаракат қилган. 1926 йилнинг июнь ойида Макка шаҳрида Хижоз қироли Абдулазиз ибн Сауд ташаббуси билан ташкил этилган «Муқаддас жойларни зиёрат қилиш, ободонлаштириш ва зиёратгоҳларни қуриш масалаларига бағишланган конференция»да Совет делегациясида Ўрта Осиё мусулмонлари номидан Тошкент диний бошқармаси вакили Абдулвоҳид Қори Абдурауф Қориев (1859-1937 йй.) иштирок этган²⁹. Шунингдек, 1928 йилнинг 26 апрелида СССР Халқ Комиссарлар Совети томонидан «Мусулмон зиёратчиларни СССР портларидан – Хижоз портларига олиб бориш ва қайтариб олиб келиш тўғрисида» қарор қабул қилинган ва СССР мусулмонлари «Тобольск» ва «Теодор Нетте» номли пароходларда 1928 йилнинг май ойида Жидда портига етиб борганлар³⁰. Пароходлар қатнови йўлга қўйилган бўлса-да, Биринчи жаҳон уруши ва XX асрнинг 20-йиллардаги очарчилик, иммиграция жараёнлари ҳамда колхозлаштириш сиёсати баҳонасида халқ мол-мулкининг оммавий равишда тортиб олиниши, ўз навбатида, Ўрта Осиё аҳолиси орасида каттагина маблағ талаб қиладиган ҳаж сафарини кескин камайтирган.

1930-32 йилларга келиб, Совет Иттифоқидан бирорта ҳам мусулмоннинг ҳаж ибодатини адо қилиш учун Макка ва Мадинага ташриф буюрмагани бошқа мусулмон мамлакатларда СССРга нисбатан жиддий эътирозларга сабаб бўлган³¹.

1944 йилнинг 25 август куни Ўрта Осиё ва Қозоғистон Мусулмонлари диний бошқармаси бошлиғи Эшон Бобоҳон ҳаж ибодатини адо этишга рухсат бериш бўйича СССРнинг Дин ишлари бўйича кенгаши раиси И.В.Полянский номига ариза ёзган. Шу тариқа, Ўрта Осиё ва Қозоғистон
